ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАРГИНАЛЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ОМИЛЛАРИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

К.А. Юнусов

Мақолада глобаллашув шароитида "маргиналлик"нинг пайдо бўлиш омиллари, унинг моҳияти ҳамда амал қилиш хусусиятлари баён қилинган.

***Калит сўзлар**: глобаллашув, маргиналлик, маргинал шахс, маргинал жиноятчилик, тафаккур тарзи, шахснинг руҳий ҳолати.*

В статье исследуется сущность социологического понятия "маргинальность", рассматриваются объективные и субъективные факторы её возникновения в условиях глобализации.

***Ключевые слова**: глобализация, маргинальность, маргинальный человек, маргинальное преступление, маргинальный образ жизни, психологические обстоятельства личности.*

This article studies the essence of the sociological concept "marginality" its objective and subjective factors and manifestations in the conditions of globalization in the social life.

***Key words**: globalization, marginality, marginal person, marginal crimes, objective and subjective factors of manifestations of a marginality, marginal way of life, psychological circumstances of the personality.*

Маргиналлик ҳодисаси билан боғлиқ тадқиқотлар ҳозирги давр ғарб давлатларида социология, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, конфликтология каби фанлар доирасида чуқур ўрганилмоқда. Чунки бу тушунча ортида амал қилаётган ижтимоий феномен ҳар қандай жамият ҳаётида ўзининг салбий жиҳатларини намоён этмоқда. Мазкур ижтимоий омил жаҳоннинг турли мамлакатларида ижтимоий зўриқишни кучайтираётгани, аҳоли ўртасида қўрқинч, даҳшат солиш мақсадида террористик актлар содир қилаётгани билан характерланади. Шунинг учун ҳам "маргинал шахс", "маргинал гуруҳ"лар кўплаб давлатларда аҳоли, сиёсатчилар, давлат арбоблари, журналистлар, илмий тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Глобаллашув шароитида маргиналлик ҳодисаси Ўзбекистоннинг бугунги куни ва эртаси, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши боис мазкур ижтимоий ҳодиса хусусида фикр юритишни жоиз деб топдик.

Мақолада "маргиналлик" тушунчаси, глобаллашув шароитида маргиналликнинг пайдо бўлиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятлари, унинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётига, Ўзбекистоннинг келажакда барқарор ривожланишига салбий таъсирининг янада ортиб бориши мумкинлиги асосланиб, унинг бундай жиҳатларини бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш нечоғли муҳим экани асослаб берилган.

"Маргиналлик**"** термини – шахс ёки муайян кишилар гуруҳининг ҳаётий шарт-шароит тақозоси билан жамият ҳаётидаги сифатий ҳолатини, икки хил дунёқараш, ўзаро фарқланувчи тушунчалар гирдобига тушиб қолган руҳий ҳолатни англатади [2]. Улар, асосан, меҳнат миграцияси, тақдир тақозоси билан хорижий мамлакатларга чиқиб кетган ва уларнинг диний, миллий-этник, маданий турмуш тарзи ва бошқа қадрият ҳамда урф-одатларини, айниқса, ғарб мамлакатларида кенг тарқалган "оммавий маданият" билан боғлиқ, инсонийликка хос бўлмаган ғайриодатий, маънавий жиҳатдан тубан, ўта жирканч муносабатларни ўзлаштириши билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

"Маргинал шахс", "маргинал гуруҳ" деб ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи икки хил, кўп ҳолларда антагонистик (ўзаро мутлақо муроса қила олмайдиган, қарама-қарши бўлган) қарашлар, қадрият ва урф-одатлар, диний, сиёсий эътиқодлар исканжасида бўлган шахс ёки гуруҳларга айтилади [4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжумандаги "Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик" мавзусида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: "Кун тартибига қўйилган масала, яъни, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинчосуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз,

набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас" [1].

Ҳозирда бутун инсоният бошига оғир кулфатлар келтираётган ва халқаро миқёсда амал қилаётган халқаро терроризм, дин ниқоби остидаги экстремизм, наркобизнес, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси каби омиллар маргинал ҳодисаларни юзага келтираётган асосий манбалар ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтдики: "Айрим ёшларнинг қисқа ёки узоқ вақт чет элга, меҳнат сафарига бориб келиб, ўз эътиқодини хато деб ҳисоблаб, бизга буткул ёт бўлган оқимлар, ғоя ва тушунчаларни олиб келаётгани ҳам – бор гап. Айни ҳақиқат бу. Бундай ҳолатлар барчамизни ташвишга солиши шарт" [1].

Ғарб мамлакатларида маргиналликни юзага келтирган сабаблардан бири «Интернет»да кенг тарқалган америкалик сиёсатшунос Патрик Бъюкененнинг «Смерть Запада» ("Ғарбнинг ҳалокати") номли китоби сўз бошисида баён қилинган. Мазкур асар Ғарбнинг «тақдири» – жамият маънавиятидаги инқирозлар, жумладан, оила ва никоҳ, туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши борасидаги инқирозлар таҳлилига бағишлаган.

Минг таассуф ва афсус билан муаллиф Европа «америкача» маданиятни қабул қилиб, бугун унинг ҳаёт тарзига сингиб кетганига қаршилик кўрсатишга қодир эмаслигини эътироф этади. Унинг фикрича, саноати ва юқори технологиялари ривож топган жамиятда одамларнинг бирдан бойиб кетиш, тўкин ҳаётга эришишга бўлган эгоистик интилиши уларнинг асл қадриятларга, жумладан, оила ва никоҳга, ёшлар тарбиясига бўлган муносабатларида кескин инқирозни келтириб чиқарди. Бу ҳолатни у гедонистик психологиянинг асоси деб баҳолаб, унинг оқибати жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётганини очиқ эътироф этади.

Асарда айнан гедонизм маргиналликни юзага келтирган муҳим сабаблардан бири деб саналади. Гедонизмнинг маъноси шундайки, шахс ва унинг хулқ-атвори мотивларида фақат нималардандир лаззатланиш, ҳузурланиш ва ўзидаги ички руҳий изтиробларидан ҳоли бўлишга интилиш устувор бўлади. Муаллифнинг ташвиши ва уни хавортирга солган нарса шуки, бундай онг ва шуурдаги ўзгаришлар европа халқларининг энг зарур ва муҳим қадриятларига нисбатан салбий муносабатларда ифодаланади. Масалан, бугунги Европада туғилаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз туғилаётгани, туғилишнинг кескин камайиб кетгани, умуман аёллар ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истамаётгани, маблағи етарли бўла туриб ҳам фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга кетадиган маблағни қизғанаётгани кўрсатиб берилган [6].

Ғарб социологиясида кенг ўрганиб келинаётган маргинал тушунчасига "кундалик" социологияда алоҳида эътибор қаратилади. Бу тушунча, аслида, ғарб ноклассик социологияси вакилларидан бири, немис социологи Георг Зиммель асарларида баён қилинган [3]. Маргиналлик – салбий ижтимоий ҳодиса, жамиятнинг "касали", "оғриқли соҳаси" бўлиб, уни доимо кузатиб ва назорат қилиб бориш талаб қилинади. У мавжуд ижтимоий нормалардан "оғишга" мойил бўлган турли кўринишдаги ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлади.

Маргиналлик – XX аср бошларида немис социологи Георг Зиммель томонидан социологик назарияга киритилган "бегона" тушунчаси билан тушунтириб берилган. Георг Зиммель "бегона", "келгинди" тушунчаларини муайян бир ижтимоий гуруҳга яқин ва ундан чиқариб юборилган киши, деб тушунтирган [3].

Шундай ёндашувга асосланиб, Георг Зиммелнинг америкалик издоши, социолог Роберт Парк "маргинал одам" тушунчасини қўллайди. Роберт Парк, Зиммелдан фарқли, "бегона"ни ижтимоий келиб чиқиши, унинг пайдо бўлишидаги ижтимоий муҳит, турли гуруҳлар, маданиятлар, жамоалар ўртасидаги зиддиятлар оқибатида пайдо бўлиш жиҳатларини ўрганган [4].

Яна бир америкалик социолог Альфред Шюц маргиналлик тушунчасини янада тўлдириб, узоқ вақт ўз уйидан кетган ва уйига қайтган "ўзимизники" тушунчасини қўллайди [5]. Ҳозирда бир неча йиллар давомида ўзга юртларга кетган ва уйига қайтган ватандошларимиз бунга мисол бўла олади.

Илмий адабиётларда Ўзбекистонда "маргиналлик" феноменининг юзага келиши ва унинг социал оқибатлари масаласи деярли берилмаган. Ушбу омил ўз характерига кўра нафақат социологик, балки сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий, маиший турмуш билан боғлиқ салбий жиҳатларга эгадир.

Маргиналликни юзага келтирувчи муҳим сабаблардан бири меҳнат миграциясидир. Ўзбекистондан кўплаб кишилар, айниқса, ёшларнинг яқин ва узоқ ўлкаларга иш қидириб, мўмай пул топиш мақсадида кетиши маргиналликни юзага келтираётган муҳим сабаблардан биридир. Чет элларга иш қидириб кетган ёшлар ноқонуний равишда ўзга юртлар ҳудудида яширинча яшаши турли хавф-хатарлардан холи эмас.

Дунёқараши етарлича шаклланмаган ёшлар-

нинг ўзга мафкура, турмуш тарзи, хусусан, диний экстремистик оқимлар домига тушиб қолиши эҳтимоли юқоридир. Бундай кишилар, хусусан, ёшлар ўз халқи учун ўта хавфли элементга – “маргинал шахс”, “маргинал гуруҳ”га айланади. Ўз Ватани, халқига хиёнат қилади. Юртимизда ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилган “Жиҳодчилар”, “Нурчилар”, “Таблиғчилар”, “ИШИД” ва яна кўплаб диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган кимсалар Ўзбекистон учун “маргинал шахслар”, яъни жисман миллатдош, маънан “бегона”, ёт унсурга айланади. Уларга ҳеч қачон ишониб бўлмайди. Чунки манқуртлашган, мияси заҳарланган кимсани даволаш гиёҳвандликка дучор бўлган кимсани даволашдан ҳам кўра қийиндир.

Маргиналликнинг юзага келиши, маргинал шахс ва гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бундан буён янада ортиб бориши ўзининг бир қатор объектив ва субъектив жиҳатларига эга. Маргинал шахс ва гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кўпайиши глобаллашув жараёни, Ўзбекистоннинг дунёга юз тутиши натижасида рўй бераётган бўлса, бошқа жиҳатдан эса, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, дин ниқоби остидаги экстремизм, маданий турмуш каби омиллар муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда маргинал шахс ва гуруҳларнинг юзага келиши бошқа чет мамлакатлардаги (масалан, Россия ва Ғарб давлатларидаги) дан фарқ қилади. Юртимизда маргинал шахс ва гуруҳлар юзага келишининг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бизнингча, умумий жиҳатдан булар қуйидагилардан иборат: дунёқараши етарлича шаклланмаган ёшларнинг мўмай пул топиш илинжида иш қидириб ўзга мамлакатларга ноқонуний равишда кетиб, ёт ғоялар, диний- экстремистик оқимлар домига тушиб, уларга тобе бўлиб қолиш (аксар ҳолларда моддий-молиявий ва ақидавий тобелик) туфайли; ўзга мафкуралар таъсири туфайли; ўзга турмуш тарзи, “оммавий маданият”нинг турли кўринишлари домига тушиб қолиш сабаблидир. Хусусий жиҳатдан эса, айрим ўсмир-ёшларнинг маргинал шахс ва гуруҳга мансуб бўлиб қолишларида қуйидаги сабаблар муҳим роль ўйнайди: 1) ўз оиласи, ота-онаси, ёр-биродарлари, қон-қариндошларидан узоқда, уларнинг кўмагидан ажралиб қолиш; 2) таълим-тарбия муассасаларида олган билим, кўникма ва тарбиянинг ўта пастлиги; 3) етарлича билим ва касбга эга эмаслик; 4) етарлича дунёқарашга эга бўлмаган ўсмир ёшларнинг ёт ғояларга тез берилувчанлиги; 5) маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарлича тарбия ва кўникмага эга бўлмаганлик туфайли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш; 6) ҳуқуқий билим, маданият ва дунёқарашнинг ўта пастлиги; 7) иродасизлик, ўзга юртларда сарсон-саргардон, оч-юпун, дарбадар бўлиб қолиш; 8) ўта тушкунлик кайфияти, ўз келажагига ишончсизлик руҳида бўлиш; 9) енгил ҳаёт кечириш ва ишламай, қийинчиликсиз тўкин ҳаёт, бойликка эга бўлишдек саробга ишониш; 10) жиноят содир қилишга мойиллик.

Олиб борган тадқиқотларимиз тасдиқламоқдаки, шу юрт фарзанди бўла туриб мафкурамизга мутлақо ёт турли манбаларни (сўнгги пайтларда улар электрон кўринишдаги турли фаҳш, сиёсий, мафкуравий, диний-экстремистик характердаги материаллардан иборат бўлмоқда) юртимизга хуфёна олиб киришга уринмоқдалар. Бундай уринишларни, уларни ғаразли мақсадларда кенг аҳоли оммаси, айниқса, ҳали дунёқараши шаклланмаган ёшлар ўртасида тарқатмоқчи бўлаётганларни сезиш қийин эмас. Муайян давр давомида чет элларда яшаган юртдошларимиз дунёқарашини эгаллаган ёт ғоялар, уларнинг маргиналлик (ёт ва бегоналик) даражасини оширади.

Маргиналликнинг яна бир кўриниши - фоҳишалик бўлиб, у ҳам жамиятимиз маънавий ҳаётида ўта салбий роль ўйнайди. Чет мамлакатларга мўмай пул топиш илинжида фоҳишалик билан шуғулланиш учун кетган аёллар маънан бузуқ мафкура ва турли тузалмас тери-таносил, ОИТС каби оғир касалликларни орттириб келадилар ва аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишига сабаб бўладилар. Кўплаб ёш оилаларнинг бузилиб кетиши айнан улар туфайли содир бўлмоқда.

Глобаллашув шароитида юртимизда пайдо бўлаётган “маргинал шахс” ёки “маргинал гуруҳ”ларнинг хатти-ҳаракатлари, ўз навбатида, “маргинал жиноятчилик”ни келтириб чиқармоқда. Бошқа жиноятлардан фарқ қилиб, “маргинал жиноятчилик” мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўта хавфли бўлиб, ўз моҳиятига кўра жамият барқарорлигига путур етказишга қаратилган бўлади:

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Ўзбекистонда “маргиналлик”, “маргинал шахс”, “маргинал гуруҳ” ва “маргинал жиноятчилик” ғарб давлатларидан фарқ қилиб, ўта яширин, махфий тарзда фаолият кўрсатади. Уларни фош этиш, бартараф қилиш жараёни қийин кечади.

2. Мазкур ҳодисанинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий асосларини чуқур ўрганиш ва амалий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

3. “Маргиналлик”, “маргинал шахс”, “маргинал гуруҳ”лар ўта хавфли ва зарарли “ижтимоий ви-

рус” бўлиб, уларнинг олди олинмаса, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий барқарорлигига путур етказади ва кўплаб ёшлар ҳаётини барбод қилади.

4. Юртимизда ижтимоий адолат тамойилларининг том маънода амал қилиши – бундай зарарли “ижтимоий вирус”ни бартараф этишнинг энг самарали ва ҳал қилувчи омилидир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқ. / “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 16 июнь сони.

2. Ellis, Carolyn and Arthur P. Bochner - eds. 1996. Composing Ethnography. Alternative Forms of Qualitative Writing. N.Y.:AltaMira Press. 402 pages.

3. Simmel, G. Soziologie. Untersuchungen über die Formen der Vergesellschaftung. Herausgegeben von O.Rammstedt. (Gesamtausgabe, Bd. 11).

4. Robert E. Park. On Social Control and Collective Behaviour. – Phoenix Books, 1967. Robert Park. A biography of a Sociologist with Rau-shenbush W. N. Y., 1979. Robert E. Park. On Social Control and Collective Behaviour. – Phoenix Books, 2007.

5.Шюц А. Некоторые структуры жизненного мира // Личность. Культура. Общество. — 2007. Вып. 2 (36). С. 52–68. (перевод Портнов А. Н., Кукарцева М. А.).

6. https://royallib.com/book/byukenen_patrik/smert_zapada.html

7. https://www.gov.uz/uz/news/view/11088

8. http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_culture/

9. http://socio.rin.ru/cgi-bin/article.

10. http://www.sociologysoul.ru/tpts-811-1.html

11. http://www.glossary.ru/cgi-bin/gl_sch2.cgi?RMgwjotgr

12. https://ru.wikipedia.org/wiki/

Андижон давлат университети,
2017 йил 22 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)